

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

1-сон
(41)
2014 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида Битим (2013 йил 11 февраль, Любляна) 3
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро химоя қилиш тўғрисида Битим (2013 йил 15 апрель, Москва) 23
- Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Прави-

тельством Российской Федерации о поощрении и взаимной защите
инвестиций (Москва, 15 апреля 2013 года) 30

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения
Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга
йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини
тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида
БИТИМ**

2013 йил 11 февраль, Любляна

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
1 ноябрдаги ПҚ–2061-сон қарори билан тасдиқланган**

(2013 йил 8 ноябрдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Словения Республикаси Ҳукумати,

иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида битим тузиш истагида,

қуйидагилар тўғрисида аҳдлашиб олдилар:

1-модда

Битим татбиқ этиладиган шахслар

Мазкур Битим Аҳдлашувчи Давлатларнинг бири ёки иккаласининг резиденти бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

2-модда

Битим татбиқ этиладиган солиқлар

1. Мазкур Битим Аҳдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-ҳудудий ёки сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари номидан ундириладиган, уларни ундириш усулидан қатъи назар, даромад ва капитал солиқларига нисбатан татбиқ этилади.

2. Даромад ва капитал солиғига жами даромаддан, жами капиталдан ёки даромад ёхуд капиталнинг бир қисмидан ундириладиган барча солиқлар, шу жумладан кўчар ёки кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинган даромаддан ва корхоналар тўлайдиган маош ёки мукофот пулларида, шунингдек капитал қийматининг ўсишидан олинадиган солиқлар киради.

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 45-сон, 586-модда.

3. Мазкур Битим татбиқ этиладиган амалдаги солиқлар қуйидагилардир:

а) Ўзбекистон Республикасида:

i) юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи;

ii) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

iii) мол-мулк солиғи;

(кейинги ўринларда «Ўзбекистон солиғи» деб юритилади);

б) Словения Республикасида:

(i) юридик шахслардан олинадиган даромад солиғи;

(ii) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

(iii) мол-мулк солиғи;

(кейинги ўринларда «Словения солиғи» деб юритилади).

4. Ушбу Битим у имзоланган санадан сўнг амалдаги солиқларга қўшимча равишда ёки уларнинг ўрнига олинадиган ҳар қандай ўхшаш ёки моҳиятан ўхшаш солиқларга нисбатан ҳам қўлланилади. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари ўзларининг солиққа оид қонун ҳужжатларига киритилган ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида бир-бирларини хабардор қиладилар.

3-модда

Умумий таърифлар

1. Мазкур Битим мақсадлари учун, агарда матн мазмунидан бошқача маъно келиб чиқмаса:

а) «Ўзбекистон» атамаси Ўзбекистон Республикасини, шунингдек жуғрофий маънода фойдаланилганда халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ер ости ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикаси ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудуди, ҳудудий сувлари ва ҳаво ҳудудини англатади;

б) «Словения» атамаси Словения Республикасини, шунингдек жуғрофий маънода фойдаланилганда Словениянинг ҳудудини, ҳудудий сувларини шу жумладан халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилигига мувофиқ Словения ўзининг суверен ҳуқуқлари ва юрисдикциясини амалга ошириши мумкин бўлган ҳудудни англатади;

с) «бир Аҳдлашувчи Давлат» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлат» атамалари матн мазмунига қараб, Ўзбекистон ёки Словенияни англатади;

д) «шахс» атамаси жисмоний шахс, компания ёки бошқа ҳар қандай шахслар бирлашмасини англатади;

е) «компания» атамаси солиққа тортиш мақсадида корпоратив бирлашма сифатида қабул қилинадиган ҳар қандай корпоратив бирлашма ёки ҳар қандай ташкилотни англатади;

ф) «бир Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» ва «бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси» атамалари бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида бўлган корхонани ва бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бошқаруви остида бўлган корхонани англатади;

g) «халқаро ташувлар» атамаси амалдаги бошқарув органига эга бўлган корхона томонидан битта Аҳдлашувчи Давлатда амалга ошириладиган денгиз, ҳаво кемаси ёки автомобилда, темир йўл транспорти орқали ҳар қандай ташувларни англатади, денгиз, ҳаво кемаси ёки автомобиль, темир йўл транспорти воситаси фақат иккинчи Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган пунктлар оралиғида фойдаланиладиган ҳолатлар бундан мустасно;

h) «ваколатли орган» атамаси қуйидагиларни англатади:

(i) Ўзбекистонда — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёки унинг ваколатли вакили;

(ii) Словенияда — Словения Республикаси Молия вазирлиги ёки унинг ваколатли вакили;

i) «миллий шахс» — атамаси қуйидагиларни англатади:

i) Аҳдлашувчи Давлат фуқаролигига эга бўлган ҳар қандай жисмоний шахс;

ii) Аҳдлашувчи Давлатнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўз мақоми олган ҳар қандай юридик шахс, ширкат, уюшма;

2. Аҳдлашувчи Давлат томонидан Битимни қўллашда таърифи берилмаган атамалар мавжуд бўлса, ушбу атамалар, агарда битим матнидан бошқа маъно келиб чиқмаса, мазкур Битим татбиқ этиладиган Давлатнинг амалдаги қонунчилигига кўра солиқларга нисбатан қўлланиладиган маънога эга бўлади; атаманинг мазкур Давлат солиқ қонунчилигига мувофиқ белгиланган маъноси ушбу Давлатнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларида шу атама учун берилган маънога нисбатан устунликка эга бўлади.

4-модда

Резидент

1. «Аҳдлашувчи Давлат резиденти» атамаси мазкур Битим мақсадлари учун ушбу давлатнинг миллий қонунчилигига кўра ўзининг яшаш жойи, доимий турар жойи, бошқарув жойи ёки шунга ўхшаш ҳар қандай мезонлар асосида солиққа тортилувчи ҳар қандай шахсни, шунингдек ушбу Давлатни, унинг ҳар қандай маъмурий-ҳудудий бўлинмасини ёки сиёсий тузилмасини ёхуд маҳаллий ҳокимият органини англатади. Бироқ, ушбу атама фақат ушбу Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган манбалардан ёки капиталдан даромад олаётгани учун шу Давлатда солиққа тортиладиган ҳар қандай шахсни ўз ичига олмайди.

2. Агарда 1-банд қоидаларига мувофиқ жисмоний шахс ҳар иккала Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлса, унинг мақоми қуйидаги тарзда белгиланади:

а) Шахс фақат ўзи доимий яшайдиган уй-жойга эга бўлган Давлатнинг гина резиденти ҳисобланади; агар шахс ҳар икки Давлатда ҳам яшаш учун уй-жойга эга бўлса, бундай шахс фақат яқин шахсий ҳамда иқтисодий алоқаларга (ҳаётий манфаатлар маркази) эга бўлган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

б) агар бундай шахснинг ҳаётий манфаатлари маркази бўлган Давлатни аниқлаб бўлмаса ёки мазкур Давлатларнинг ҳеч бирида яшаш учун дои-

мий уй-жойга эга бўлмаса, ушбу шахс одатда ўзи яшаб турган Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

с) агар шахс одатда ҳар икки Давлатда ҳам яшаса ёки улардан ҳеч бирида яшамаса, у қайси Давлатнинг фуқароси бўлса, шу Давлатнинг резиденти ҳисобланади;

д) агар шахс ҳар иккала Давлатнинг фуқароси бўлса, ёки ҳеч бирининг фуқароси бўлмаса, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари бу масалани ўзаро келишув орқали ҳал қиладилар.

3. Агарда шахс 1-банд қоидаларига мувофиқ (жисмоний шахслардан ташқари) ҳар икки Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, у фақат ўзининг амалдаги бошқарув органи жойлашган давлатнинг резиденти ҳисобланади.

5-модда **Доимий муассаса**

1. Мазкур Битим мақсадлари учун «доимий муассаса» атамаси корхона тўлиқ ёки қисман тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган доимий фаолият жойини англатади.

2. «Доимий муассаса» атамаси, хусусан қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошқарув жойи;

б) бўлинма;

с) офис;

д) фабрика;

е) устахона;

ф) шахта, нефть ёки газ қудуғи, карьер ёхуд табиий бойликлар қазиб оладиган ҳар қандай бошқа жой.

3. «Доимий муассаса» атамаси, шунингдек қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) қурилиш майдончаси, қурилиш, йиғиш ёки монтаж объекти ёхуд улар билан боғлиқ бўлган назорат фаолияти, фақат бундай майдон, объект ёки фаолиятнинг Аҳдлашувчи Давлат ҳудудидаги амал қилиш муддати 183 кундан ортиқ бўлиши лозим;

б) Аҳдлашувчи Давлат корхонаси томонидан хизматчи ёки корхонанинг шундай мақсадларда ёлланган бошқа шахслар орқали хизмат кўрсатиши, хусусан консультацион хизматлар. Бироқ, бу мазкур тусдаги фаолият бошқа Аҳдлашувчи давлат ҳудудида ҳар қандай ўн икки ойлик муддат ичида умумий ҳисобда 6 ойдан ошувчи маълум бир даврда ёки даврларда давом этадиган ҳолатлардагина татбиқ этилади.

4. Ушбу модданинг аввалги қоидаларига қарамай, «доимий муассаса» атамаси қуйидагиларни ўз ичига олмайди:

а) иншоотлардан шу корхонага тегишли товар ёки буюмларни фақат сақлаш, намойиш қилиш ёхуд етказиб бериш мақсадларида фойдаланиш;

б) ушбу корхонага тегишли бўлган товар ёки маҳсулотлар захирасини фақат сақлаш ёхуд намойиш қилиш мақсадларида ушлаб туриш;

с) мазкур корхонага тегишли бўлган товар ёки маҳсулотларнинг захи-

раларини фақат бошқа корхона томонидан ишлов бериш ёки қайта ишлаш мақсадларида ушлаб туриш;

d) доимий фаолият жойини фақат товар ёки маҳсулотлар сотиб олиш ёки мазкур корхона учун маълумотлар йиғиш мақсадида ушлаб туриш;

e) доимий фаолият жойини ушбу корхона учун фақат тайёргарлик ёки ёрдамчи тусдаги фаолиятни амалга ошириш мақсадлари йўлида ушлаб туриш;

f) доимий фаолият жойини (a)-(e) кичик бандларда келтирилган фаолият турларини бирга қўшиш мақсадидагина сақлаш, башарти бундай қўшишдан юзага келадиган ушбу доимий фаолият жойининг умумий фаолияти тайёрлов ёки ёрдамчи хусусиятга эга бўлса;

5. 1 ва 2-бандлар қоидаларига қарамай, мазкур модданинг 6-банди татиб этиладиган мустақил мақомли агентдан бошқа шахс Аҳдлашувчи Давлатда корхонаси номидан иш юритса ва одатда корхона номидан шартномалар тузиш ваколатига эга бўлса ва одатда шу ваколатни амалга оширса, бунда бу корхона ушбу Давлатда ана шу корхона учун ушбу шахс томонидан кўрсатилган ҳар қандай фаолиятга нисбатан доимий муассасага эга деб ҳисобланади, агар ушбу шахснинг фаолияти фақат 4-бандда эслатиб ўтилган фаолият турлари билан чекланиб қолмаса ва фаолият доимий фаолият жойи орқали амалга оширилса, шу банднинг қоидаларига мувофиқ, бу доимий фаолият жойидан доимий муассаса ҳосил қилмайди.

6. Корхона Аҳдлашувчи Давлатда тадбиркорлик фаолиятини брокер, воситачи ёки мустақил мақомга эга бўлган ҳар қандай бошқа агент орқали амалга оширса ва ушбу шахслар ўзларининг одатдаги фаолияти доирасида иш юритаётган бўлса, у мазкур Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланмайди.

7. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган компанияни назорат қилса ёки назорат қилинса, ана шу бошқа Давлатда тижорат фаолиятини (доимий муассаса орқали ёки бошқача тарзда) амалга ошираётган бўлса, бу ҳол ўз-ўзидан бу компаниянинг бирини бошқаси учун доимий муассасага айлантирмайди.

8. Ушбу модданинг юқоридаги қоидаларига қарамай Аҳдлашувчи Давлатнинг суғурта корхонаси, агарда у бошқа Аҳдлашувчи давлат ҳудудида суғурта мукофотларини йиғса ёки 7-бандда назарда тутилган мустақил мақомга эга бўлган агентдан бошқа шахс орқали хавф эҳтимолини суғурта қилса, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассасага эга деб ҳисобланади (қайта суғурталаш ҳолатлари бундан мустасно).

6-модда

Кўчмас мулкдан олинадиган даромадлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкдан олинган даромад (шу жумладан қишлоқ ва ўрмон хўжалигидан олинадиган даромад) мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. «Кўчмас мулк» атамаси кўриб чиқиляётган мулк жойлашган Аҳдла-

шувчи Давлат қонунчилигида ифодаланган тушунчага эга бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ушбу атама белгиланган кўчмас мулкка тегишли бўлган мулкни, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида фойдаланиладиган чорва моллари ва жиҳозлар, ер устидаги мулк тўғрисидаги умумий қонунчилик қоидалари қўлланиладиган ҳуқуқлар, кўчмас мулк натижаси бўлган узуфрукт ва ресурслар қатламларини қазиш учун товон сифатида тўланадиган ўзгарувчан ёки қайд этилган тўловлар ҳуқуқини ёки минераллар, манбалар ва бошқа табиий ресурслар қатламларини қазиш ҳуқуқини ўз ичига олади; денгиз ва ҳаво кемалари кўчмас мулк ҳисобланмайди.

3. 1-банд қоидалари кўчмас мулкдан тўғридан-тўғри фойдаланиш, ижарага бериш ёки бошқа ҳар қандай шаклда фойдаланишдан олинган даромадга нисбатан қўлланилади.

4. 1 ва 3-бандлар қоидалари, шунингдек корхонанинг кўчмас мулкдан олинган даромадга ва мустақил хусусий хизматларни амалга оширишда фойдаланиладиган кўчмас мулкдан олинган даромадга нисбатан ҳам қўлланилади.

7-модда

Тадбиркорлик фаолиятдан олинган фойда

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдаси, агар корхона ўзининг тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлса, фақат шу Давлатда солиққа тортилади. Агар корхона ўз фаолиятини юқорида қайд этилган ҳолатда амалга ошираётган бўлса, корхонанинг фойдаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин, аммо фақат ана шу доимий муассасага тегишли бўлган қисмигина солиққа тортилади.

2. 3-банд қоидаларига мувофиқ, агар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси тадбиркорлик фаолиятини бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали амалга ошираётган бўлса, унда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатда ушбу доимий муассасага у доимий муассаса бўлиб, корхонадан мутлақо мустақил равишда иш юритиб, худди шундай ёки шунга ўхшаш шароитларда, шундай ёки ўхшаш фаолият билан машғул бўлганда олиниши мумкин бўлган фойда ҳисобланади.

3. Доимий муассаса фойдасини аниқлашда шу доимий муассаса фаолияти мақсадларида сарфланган харажатларни, шу жумладан доимий муассаса жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда ёки унинг ҳудудидан ташқарида сарфланган бошқарув ва умумий маъмурий харажатларни ҳам чегириб ташлашга йўл қўйилади.

4. Аҳдлашувчи Давлатда корхона фойдасининг умумий қийматини унинг турли бўлинмалари орасида мутаносиб тарзда тақсимлаш асосида доимий муассасага тегишли фойдани аниқлаш оддий ҳол эканлигига қарамай, 2-банддаги қоида мазкур давлатга амалиётдан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш орқали солиққа тортиладиган фойдани аниқлашни тақиқламайди, бироқ тан-

ланган тақсимот услуги мазкур модда тамойилларига мос келадиган натижа бериши лозим.

5. Доимий муассаса томонидан фақат мазкур корхона учун товар ёки маҳсулотларнинг харид қилиниши асосида ушбу доимий муассасага бирон-бир фойда ёзилмайди.

6. Аввалги бандлар мақсадларида доимий муассасага тегишли бўлган фойда, агар ўзгартириш учун асосли ва етарли сабаблар бўлмаса, ҳар йили бир хил усулда аниқланади.

7. Агар фойда, ушбу Битимнинг бошқа моддаларида алоҳида айтиб ўтилган даромад турларини қамраб оладиган бўлса, мазкур моддаларнинг қоидаларига ушбу модда қоидалари таъсир этмайди.

8-модда **Халқаро транспорт**

1. Денгиз, ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситаларининг халқаро ташувлардаги фаолиятдан олинадиган фойдага фақатгина Корхонанинг бошқарув органи жойлашган Аҳдлашувчи Давлатдагина солиққа тортилади.

2. Мазкур модданинг 1-банди қоидалари қуйидаги даромадларга нисбатан ҳам қўлланилади:

а) ижарадан олинадиган фойда, шу жумладан халқаро ташишларда фойдаланиладиган кема ёки ҳаво кемаларини экипажсиз фрахтлаш асосида;

б) халқаро ташувларда контейнерлардан (контейнерларни ташиш билан боғлиқ трейлер ва бошқа жиҳозлар ҳам) фойдаланиш, сақлаш ёки уларнинг ижарасидан олинадиган фойда,

агарда бу фаолият тури денгиз, ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситаларидан халқаро ташувларда фойдаланишда қўшимча ёки тасодифий ҳисобланса.

3. Агарда ташувчи корхонанинг амалдаги бошқарув органи кема бортида жойлашган бўлса, у кема борти рўйхатдан ўтган Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ҳисобланади, агарда бундай рўйхатдан ўтиш борти мавжуд бўлмаса, кема капитани резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ҳисобланади.

4. 1 ва 2-банднинг қоидалари транспорт воситаларини ишлатиш бўйича пулда, қўшма фаолиятда ёки халқаро ташкилотда иштирок этишдан олинган фойдага нисбатан ҳам қўлланилади.

9-модда **Бирлашган корхоналар**

1. Агар,

а) Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасини бошқаруви, назорати ёхуд капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса, ёки

б) айнан ўша шахслар бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси ҳамда бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқаруви, назорати ёки капиталида бевосита ёки билвосита иштирок этса ва ҳар қандай ҳолатда иккита корхона

ўртасида уларнинг тижорат ва молиявий муносабатларида мутлақо мустақил бўлган корхоналар ўртасида бўладигандан фарқли шароитлар барпо этилса, уларнинг бирортасига ҳисобланиши мумкин бўлган, лекин мавжуд шароитлар туфайли ҳисобланмаган фойда ушбу корхона фойдасига қўшилиши ва тегишли равишда солиққа тортилиши мумкин.

2. Битта Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг фойдасига бошқа Аҳдлашувчи Давлат корхонасига нисбатан ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортиладиган фойдани киритиб, тегишли равишда унга солиқ солган ҳолда ва шу тарзда киритилган фойда биринчи бўлиб қайд этилган Аҳдлашувчи Давлатнинг корхонасига ҳар икки корхонанинг ўзаро муносабатлари мустақил корхоналар муносабатлари каби фойдаси ҳисобланган ҳолда, ушбу бошқа Давлат унда ана шу фойдага солинган солиқ суммасига тегишли тузатишларни киритади. Бундай тузатишларни белгилашда мазкур Битимнинг бошқа қоидалари керакли тарзда ҳисобга олиниши, Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари эса зарур ҳолларда бир-бирлари билан маслаҳатлашиши керак.

10-модда **Дивидендлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўланадиган дивидендлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бундай дивидендлар уларни тўлаётган компания қайси Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, ушбу Давлатнинг қонунларига биноан ҳам солиққа тортилиши мумкин, аммо бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бўлса, унда шу тарзда ундириладиган солиқнинг миқдори дивидендлар умумий миқдорининг 8 фоизидан ошмаслиги лозим.

Ушбу банд компаниянинг дивидендлар тўланадиган фойдасининг солиққа тортилишига тааллуқли эмас.

3. «Дивидендлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда, акциялардан ёки акциялардан фойдаланишдан ёхуд ҳуқуқлардан фойдаланишдан, тоғ-кон саноати акцияларидан ёки қарз талаблари ҳисобланмаган, фойдада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи таъсисчилар акциялари ва бошқа ҳуқуқлардан олинадиган даромадни, шунингдек фойдани тақсимловчи компания резиденти бўлган Давлатнинг қонунларига мувофиқ, акциялардан олинадиган даромад каби худди шундай солиқлар орқали тартибга солинадиган даромадни англатади.

4. Агар дивидендларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлгани ҳолда дивидендларни тўлаётган компания резиденти бўлган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўз фаолиятини у ерда жойлашган доимий муассасаси орқали амалга оширса ёки ушбу бошқа Давлатда у ерда жойлашган доимий базадан мустақил хусусий хизматлар кўрсатса ва холдинга нисбатан тўланадиган дивидендлар аслида шу доимий муассаса ёки

доимий база билан боғлиқ бўлса, ушбу модданинг 1 ва 2-бандлари қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда, вазиятдан келиб чиқиб 7 ёки 14-моддаларнинг қоидалари қўлланилади.

5. Агар Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлган компания бошқа Аҳдлашувчи Давлатдан фойда ёки даромад олаётган бўлса, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлат компания тўлаётган дивидендлардан солиқ олмаслиги мумкин, бундай дивидендлар мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган ёки дивидендлар тўланадиган холдинг шу бошқа Давлатда жойлашган доимий муассаса ёки доимий база билан боғлиқ бўлган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ҳатто компаниянинг тақсимланмаган фойдаси тўланаётган дивидендлар ёки тақсимланмаган фойда мазкур бошқа Давлатда тўла ёки қисман ҳосил бўлган фойда ёки даромаддан ташкил топган бўлса ҳам солиққа тортилмайди.

11-модда **Фоизлар**

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган фоизлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ, бундай фоизлар ҳам улар ҳосил бўлган ушбу Аҳдлашувчи Давлатда мазкур Давлатнинг қонунларига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо фоизнинг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, солиқ фоизлар ялпи миқдорининг 8 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Фоизлар» атамаси ушбу моддада қўлланилганда ипотека таъминотидан қатъи назар, қарздорнинг фойдасида хусусан, ҳукумат қимматбаҳо қоғозларидан олинадиган даромадларда ва облигациялар ёки қарз мажбуриятларидан олинадиган даромадда, шу жумладан ушбу қимматбаҳо қоғозлар, облигациялар ва қарз мажбуриятлари бўйича олинадиган мукофотлар ва ютуқларда қатнашиш ҳуқуқидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги қарз талабларидан олинадиган даромадни билдиради. Ўз вақтида тўланмаган тўловлар учун жарималар (неустойка) ушбу модда мақсадларида фоизлар сифатида қаралмайди.

4. Агар фоизларнинг ҳақиқий эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб, доимий муассасаси орқали фоизлар ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда тижорат фаолияти олиб бораётган бўлса, ёки ушбу бошқа Давлатда жойлашган доимий базасидан мустақил шахсий хизматлар кўрсатган ёки кўрсатаётган бўлса ва фоизлар тўланаётган қарз талабномалари шундай доимий муассасага ёки доимий базага ҳақиқатан тегишли бўлса, 1 ва 2-банд қоидалари қўлланилмайди. Бу ҳолда вазиятдан келиб чиқиб 7 ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Фоизлар Аҳдлашувчи Давлатда ҳосил бўлган деб ҳисобланади, қачонки фоизларни тўловчи ана шу Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса. Бироқ, фоизларни тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки

бўлмаслигидан қатъи назар, фоиз тўлаш мажбурияти пайдо бўлган Аҳдлашувчи Давлатда доимий муассаса ёки доимий базага эга бўлса ҳамда тўлов бўйича харажатларни шундай доимий муассаса ёки доимий база амалга оширса, доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда фоиз пайдо бўлади деб ҳисобланади.

6. Агар тўловчи ва амалдаги фоизлар ҳуқуқига эга бўлган шахс ўртасида ёки улар иккаласи ва қандайдир бошқа бир шахс ўртасидаги алоҳида муносабатлар оқибатида қарз талабномасига нисбатан тўланаётган фоизлар миқдори тўловчи ва амалда фоизлар ҳуқуқига эга шахс ўртасида келишилган миқдордан ошиқ бўлса, бундай муносабатлар йўқ бўлган тақдирда ушбу модда қоидалари фақат охириги эслатилган миқдорга нисбатан қўлланилади. Бу ҳолда тўловнинг ортиқча қисмидан ушбу Битимнинг бошқа қоидаларини инобатга олган ҳолда, ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат қонунчилигига мувофиқ аввалгидек солиққа тортилади.

12-модда **Роялти**

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг бирида ҳосил бўладиган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тўланадиган роялтилар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бироқ бу роялтилар улар юзага келадиган Аҳдлашувчи Давлатда ҳам мазкур Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилиши мумкин, аммо роялтиларнинг амалдаги эгаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, шундай тарзда ундириладиган солиқ роялтилар умумий миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

3. «Роялти» атамаси мазкур моддада қўлланилганда адабиёт, санъат ёки илм-фан асарлари, шу жумладан радио ва телевидение учун кинофильмлар, фильм ва тасмалар, ҳар қандай патент, савдо белгиси, чизма ёки моделлар, схемалар, компьютер дастурлари, сирли формула ёки жараёнлар ёхуд ҳар қандай саноат, савдо ёки илмий жиҳозлар ёхуд саноат, тижорат ёки илм-фан тажрибасига доир ахборотдан фойдаланганлик ёки уларга бўлган ҳар қандай муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш учун олинган ҳар қандай тўловнинг турини англатади.

4. Агарда роялтининг ҳақиқий эгаси Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти бўлса, роялти ҳосил бўлаётган бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий муассаса орқали савдо фаолияти билан шуғулланса ёки мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган доимий база орқали мустақил шахсий хизмат билан шуғулланса ва роялти тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк доимий муассаса ёки доимий база билан ҳақиқатда боғлиқ бўлса 1 ва 2-бандларнинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда вазиятдан келиб чиқиб 7 ёки 14-модда қоидалари қўлланилади.

5. Агарда роялти тўловчи Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, роялти мазкур Давлатда юзага келган деб ҳисобланади. Бироқ роялти тўловчи шахс Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъи назар, роялти тўлаш мажбурияти пайдо бўлган Аҳдлашувчи Давлатда дои-

мий муассаса ёки доимий базага эга бўлса ҳамда тўлов бўйича харажатларни шундай доимий муассаса ёки доимий база амалга оширса, доимий муассаса ёки доимий база жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда роялти пайдо бўлади деб ҳисобланади.

6. Агарда тўловчи ва амалда роялти ҳуқуқига эга бўлган шахс ёки уларнинг иккиси ва бошқа бир шахс ўртасидаги фойдаланишга, шунингдек фойдаланиш ёки маълумот ҳуқуқига дахлдор бўлган роялти суммаси улар ўртасидаги махсус муносабатлар натижасида тўловчи ва мазкур фойдага нисбатан ҳуқуққа эга бўлган шахс ўртасида бундай махсус муносабатлар йўқ бўлган ҳолда келишилиши мумкин бўлган суммадан ошиб кетса, мазкур модданинг қоидалари фақатгина сўнгги эслатилган суммага нисбатан қўлланади. Бундай ҳолда тўловнинг ортиқча қисми мазкур Битимнинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ солиққа тортилади.

13-модда

Капитал қийматининг ўсиши

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг 6-моддада кўрсатилган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган кўчмас мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлари мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги доимий муассасаси ишига дахлдор бўлган мулкнинг бир қисмини ташкил қилувчи кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар ёки мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш мақсадида бир Аҳдлашувчи Давлатнинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатдаги резиденти учун очик бўлган доимий базага тегишли кўчар мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинган даромадлар, шунингдек мазкур доимий муассасани (алоҳида ёки корхона билан биргаликда) ёки шундай доимий базани тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро ташишларда фойдаланиладиган денгиз, ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситаларини тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар ёки шундай денгиз, ҳаво кемалари ёхуд автотранспорт воситаларига дахлдор бўлган кўчар мулкларни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромадлар фақатгина корхонанинг бошқарув органи жойлашган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилади.

4. Битта Аҳдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Аҳдлашувчи Давлат ҳудудида жойлашган кўчмас мулкдан улар қийматининг 50% дан ортиги миқдорида бевосита ёки билвосита даромад олиш имконини берувчи акциялар ёки ҳар қандай шаклдаги улушли фоизлар, ушбу Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

5. Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида кўрсатилмаган ҳар қандай мулкни тасарруфдан чиқаришдан олинadиган даромад фақат мулкни бегоналаштирувчи шахс резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

14-модда

Мустақил шахсий хизматлар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг касбий хизматлар кўрсатиш ёки мустақил тусдаги бошқа фаолиятдан олинадиган даромадлари фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади, бундай даромадлар, шунингдек қуйидаги ҳолларда истисно тариқасида бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ҳам солиққа тортилиши мумкин:

а) агар у ўз фаолиятини амалга ошириш мақсадлари учун бошқа Аҳдлашувчи Давлатда ўзига тегишли бўлган доимий базага эга бўлса; бундай ҳолларда даромаднинг фақат шундай доимий базага тааллуқли бўлган қисмигина мазкур бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин;

б) агар унинг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда бўлиши ҳар қандай ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ошувчи муддат ёки муддатларда давом этса, бундай ҳолда даромаднинг фақатгина мазкур бошқа Давлатда амалга ошириладиган фаолиятдан олинадиган қисмигина солиққа тортилиши мумкин.

2. «Касбий хизматлар» атамаси, хусусан мустақил илмий, адабий, бадий, маърифий ва ўқитувчилик фаолиятини, шунингдек врачлар, юристлар, муҳандислар, инженерлар, архитекторлар, стоматологлар ва ҳисобчиларнинг мустақил фаолиятини қамраб олади.

15-модда

Ёлланма шахсий хизматлар

1. 16, 18 ва 19-моддалар қоидаларини ҳисобга олиб, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ёлланиб ишлаш бўйича оладиган маоши, иш ҳақи ва ёлланиш муносабати билан олинган шу каби тақдирлаш қиймати фақат ана шу Давлатда солиққа тортилиши мумкин, агар ёлланиш бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилмаган бўлса. Агар ёлланма иш шу тариқа бажариладиган бўлса, унда шу муносабат билан олинган рағбатлантириш ҳақи ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. 1-банднинг қоидаларига қарамасдан, бир Аҳдлашувчи Давлат резидентининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширадиган ёлланма хизматлари учун оладиган ҳақи фақат биринчи айтиб ўтилган Давлатда солиққа тортилади, агар:

а) тақдирлаш ҳақи олувчи кўриб чиқиладиган молиявий йилда бошланувчи ёки якунловчи, ҳар қандай ўн икки ойлик давр ичида жами 183 кундан ошмайдиган муддатда ёки муддатларда бошқа Давлатда бўлса;

б) тақдирлаш ҳақи ёлловчи томонидан ёки бошқа Аҳдлашувчи Давлат резиденти бўлмаган ёлловчи номидан тўланса,

с) ёлловчи бошқа Давлатда эга бўлган доимий муассаса ёки доимий база ҳақ тўлаш бўйича харажатларни қопламайди.

3. Мазкур модданинг аввалги қоидаларига қарамай, халқаро ташувларда фойдаланадиган денгиз ёки ҳаво кемаси бортида, ёки автомобиль транспортида амалга ошириладиган ёлланма иш учун олинадиган мукофотлар

амалда корхонанинг бошқарув органи жойлашган Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

16-модда

Директорларнинг гонорарлари

Ахдлашувчи Давлатлардан бири резидентининг бошқа Ахдлашувчи Давлат резиденти бўлган компания Директорлар Кенгашининг ёки ҳар қандай бошқа шунга ўхшаш органнинг аъзоси сифатида оладиган директорлар гонорари ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

17-модда

Санъат ходимлари ва спортчилар

1. 14 ва 15-моддаларнинг қоидаларига қарамай бир Ахдлашувчи Давлат резиденти томонидан бошқа Ахдлашувчи Давлатда театр, кино, радио ёки телевидение артисти ёки мусиқачи ёки спортчи каби санъат ходими сифатида унинг шахсий фаолиятдан олинадиган даромад ана шу бошқа Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Санъат ходими ёки спортчи амалга оширган шахсий фаолиятдан олинадиган даромад санъат ходими ёки спортчининг ўзига эмас, балки бошқа шахсга ёзилса, 7, 14 ва 15-моддалар қоидаларига қарамай, ушбу даромад санъат ходими ёки спортчи фаолият кўрсатган ўша Ахдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Агарда бир Ахдлашувчи Давлатга ташриф Ахдлашувчи Давлатларнинг бири ёки иккаласига тегишли бўлган жамоат фондлари ёки Ахдлашувчи Давлатларнинг маъмурий-худудий бўлинмалари, сиёсий бўлинмалари ёхуд маҳаллий ҳокимият органлари томонидан молиялаштирилса, 1 ва 2-бандларнинг қоидалари санъат соҳаси ишчиси ёки спортчининг мазкур Давлатда амалга оширадиган фаолиятдан олинадиган даромадга дахлдор бўлмайди. Бундай ҳолда санъат соҳаси ишчиси ёки спортчи қайси Ахдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлса, унинг даромади ўша Давлатда солиққа тортилади.

18-модда

Пенсиялар

19-модданинг 2-банди қоидаларига мувофиқ, Ахдлашувчи Давлатнинг резидентига ёлланиш бўйича илгари ёлланиб ишлаганлиги учун компенсация сифатида тўланадиган нафақалар ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар фақат мазкур Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

19-модда

Ҳукумат хизмати

1. а) Ахдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-худудий бўлинмаси ёки маҳаллий ҳокимият органи томонидан ушбу Ахдлашувчи Давлат, бўлинма ёки

махаллий ҳокимият органига кўрсатилган хизматлар учун жисмоний шахсга тўланадиган ойлик иш ҳақи, маош ва пенсиядан ташқари, бошқа шунга ўхшаш тўловлар фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

б) Агар иш мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатда амалга оширилса ва жисмоний шахс ушбу Давлатнинг резиденти ҳисобланса, бундай иш ҳақи, маош ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади, башарти жисмоний шахс:

i) мазкур Давлатнинг фуқароси бўлса;

ii) фақат ушбу хизматни амалга ошириш учунгина мазкур Давлатнинг резидентига айланган бўлмаса.

2. а) Аҳдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-худудий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари ёхуд улар тузган жамғармалар томонидан мазкур Давлатга, унинг маъмурий-худудий бўлинмалари, сиёсий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органларига кўрсатилган хизматлар учун тўланадиган пенсиялар фақат мазкур Давлатда солиққа тортилади.

б) Лекин жисмоний шахс бошқа Давлатнинг резиденти ва фуқароси бўлса, бундай пенсия фақат ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилади.

3. 15, 16, 17 ва 18-моддаларнинг қоидалари Аҳдлашувчи Давлат, унинг маъмурий-худудий бўлинмалари, сиёсий бўлинмалари ёки маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатишдан олинган иш ҳақи, маош ва бошқа шунга ўхшаш тўлов ҳамда пенсияларга нисбатан қўлланилади.

20-модда

Профессорлар ва илмий ходимлар

1. Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг резиденти, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган ва ушбу бошқа Аҳдлашувчи Давлат Ҳукумати томонидан тан олинган университет, коллеж, мактаб ёки шу турдаги муассаса тақлифига кўра ушбу бошқа Давлатга фақат таълим бериш ёки тадқиқотлар олиб бориш, ёки ҳар икки мақсадда мазкур бошқа Давлатдаги таълим муассасасига ташриф буюрса, унинг биринчи бор келган пайтдан бошлаб икки йилдан ошмаган муддат давомида мазкур Аҳдлашувчи Давлатда бундай таълим бериш ёки илмий тадқиқотлар учун оладиган ҳар қандай ҳақлари солиқ тўлашдан озод қилинади. Жисмоний шахс мазкур модда имтиёзларидан фақат бир марта фойдаланиши мумкин.

2. Ушбу модда 1-банди қоидалари жамоат манфаатлари учун эмас, балки маълум шахслар ёки шахснинг шахсий манфаати учун ўтказиладиган тадқиқотларни олиб боришдан олинган тўловларга нисбатан қўлланилмайди.

21-модда

Талабалар

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатга келгунга қадар бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлган ёки айти пайтда ҳам резиденти ҳисобланган ҳамда биринчи бўлиб тилга олинган Давлатда фақат ўқиш ёки таълим олиш мақсадида бўлиб турган талаба ёки стажёрларнинг яшаши, ўқиши ва таълим

олиши учун бериладиган тўловлар мазкур Давлатда солиққа тортилмайди, башарти бундай тўловлар ушбу Давлат ташқарисидаги манбалардан юзага келса.

2. 1-банд билан қамраб олинмаган грантлар, стипендиялар ва бошқа бандликка оид шу каби тўловларга нисбатан, 1-бандда тилган олинган талаба ёки стажёр, қўшимча равишда ўзининг ўқиши ёки таълим олиши даврида у ҳозир бўлган Аҳдлашувчи Давлат резидентларига бериладиган солиқлардан озод қилиш ва чегирмалардан фойдаланади.

22-модда

Бошқа даромадлар

1. Аҳдлашувчи Давлат резидентининг ушбу Битимнинг олдинги моддаларида айтиб ўтилмаган даромад турлари, даромаднинг қаерда пайдо бўлишидан қатъи назар, фақат ана шу Давлатда солиққа тортилади.

2. 6-модданинг 2-бандида кўрсатилган, кўчмас мулкдан олинган даромаддан ташқари, даромадларга нисбатан, агарда бундай даромад эгаси бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўла туриб, бошқа Аҳдлашувчи Давлатда у ерда жойлашган доимий муассаса орқали ўз фаолиятини амалга оширса ёки ўша бошқа Давлатда мустақил шахсий хизматларни у ерда жойлашган доимий база орқали амалга оширса ва даромад тўланадиган ҳуқуқ ёки мулк ҳақиқатан ҳам бундай доимий муассаса ёки база билан боғланган бўлса, 1-банднинг қоидалари қўлланилмайди. Бундай ҳолда 7 ёки 14-модданинг қоидалари вазиятдан келиб чиққан ҳолда қўлланилади.

23-модда

Капитал

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резидентига тегишли бўлган ва бошқа Аҳдлашувчи Давлатда жойлашган, 6-моддада кўрсатилган кўчмас мол-мулкдан иборат бўлган капитал ана шу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонаси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эгалик қилаётган доимий муассаса мулкнинг қисми бўлган кўчар мулкдан иборат капитал ёки бир Аҳдлашувчи Давлат резидентига бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мустақил шахсий хизматлар кўрсатиш учун очик бўлган доимий базага тегишли кўчар мулк ушбу бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин.

3. Халқаро юк ташишларда фойдаланиладиган денгиз ва ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситаси тарзидаги капитал ҳамда шундай денгиз ва ҳаво кемалари ёки автотранспорт воситаларидан фойдаланишга тааллуқли бўлган кўчар мулк фақат корхонанинг бошқарув органи жойлашган Давлатда солиққа тортилади.

4. Аҳдлашувчи Давлат резиденти капиталининг бошқа барча элементлари фақат шу Давлатда солиққа тортилади.

24-модда

Иккиёқлама солиққа тортишни бартараф қилиш

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти ушбу Битим қоидаларига мувофиқ бошқа Аҳдлашувчи Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад олса ёки мол-мулкка эга бўлса, биринчи эслатиб ўтилган Давлат:

а) мазкур резидентнинг даромадига солинадиган солиқдан ушбу бошқа Давлатда тўланган даромад солиғига тенг суммани чегириб ташлаши;

б) мазкур бошқа Давлатда тўланган, ушбу резидентнинг капитал солиғига тенг қийматни чегириб ташлаши лозим.

Бундай чегирмалар ҳар қандай ҳолда ҳам вазиятга кўра бошқа Давлатда солиққа тортилиши мумкин бўлган даромад ёки капиталга тааллуқли чегирма тақдим қилингунга қадар ҳисоблаб чиқиладиган даромад ёки капиталдан олиннадиган солиқ қисмидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

2. Битимнинг бошқа бирор-бир қоидасига мувофиқ Аҳдлашувчи Давлат резиденти оладиган ва эга бўлган даромад ёки капитал мазкур Давлатда солиққа тортишдан истисно этилсада, ушбу Давлат бу резидентнинг даромади ёки капиталнинг қолган қисмини солиққа тортиш қийматини ҳисоблаб чиқишда истисно этилган даромад ёки капитални ҳисобга олиши мумкин.

25-модда

Камситмаслик

1. Бир Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароси бошқа Аҳдлашувчи Давлатда мазкур бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг фуқароларига айнан бир хил вазиятларда, хусусан яшаш жойига дахлдор бўлган ҳолларда солинадиган ёки солиниши мумкин бўлган солиқлар ёхуд улар билан боғлиқ мажбуриятларга нисбатан мушкулроқ бўлган солиқларга тортилмайди ва улар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни бажаришга мажбур қилинмайди. Мазкур қоида, шунингдек 1-модда қоидаларидан қатъи назар, бир ёки иккала Аҳдлашувчи Давлатнинг резиденти бўлмаган жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

2. Бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлатда эга бўлган доимий муассасасини солиққа тортиш ушбу бошқа Давлатда айнан шундай фаолиятни амалга оширувчи корхоналарни солиққа тортишдан кўра ёмонроқ бўлмайди. Ушбу қоида бир Аҳдлашувчи Давлатни бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентларини солиққа тортиш бўйича ўз резидентларига уларнинг фуқаролик мавқеи ёки оилавий шароити асосида берадиган қандайдир шахсий имтиёзлар, озод қилишлар ёки чегирмалар беришга мажбурловчи тарзда талқин қилинмаслиги лозим.

3. 9-модданинг 1-банди, 11-модданинг 7-банди ёки 12-модданинг 6-банди қоидалари қўлланилишидан ташқари ҳолларда бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига тўлайдиган фоизлари, роялтилари ва бошқа тўловлари шундай корхонанинг солиққа тортиладиган фойдасини аниқлаш мақсадида биринчи эслатилган Давлат резидентига тўланганида қўлланиладиган бир хил шартлар асосида чегириб ташла-

нади. Шу сингари бир Аҳдлашувчи Давлат корхонасининг бошқа Аҳдлашувчи Давлат резидентига бўлган ҳар қандай қарзлари шу корхонанинг солиққа тортиладиган мулкани аниқлаш мақсадида биринчи эслатилган Давлат резиденти қарзи сингари шартлар асосида чегириб ташланиши керак.

4. Капитали тўлиқ ёки қисман бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг бир ёки бир неча резидентларига тегишли бўлган ёки улар томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинаётган Аҳдлашувчи Давлат корхонаси шу Давлатда, шу Давлатнинг шундай корхоналари дучор бўлган ёки дучор бўлиши мумкин бўладиган ҳар қандай солиққа тортиш ёки унга алоқадор мажбуриятларга, бошқа ёки солиққа тортишдан кўра мушкулроқ ва у билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга дучор қилинмайди.

5. Мазкур модда қоидалари 2-банд қоидаларига қарамай ҳар қандай тур ва таснифдаги солиқларга нисбатан қўлланилади.

26-модда

Ўзаро келишиш тартиби

1. Агар шахс Аҳдлашувчи Давлатлардан бирининг ёки ҳар иккаласининг ҳаракатлари мазкур Битим қоидаларига зид равишда солиққа тортишга олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб ҳисобласа, у мазкур Давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган ҳимоя воситаларидан мустақил равишда ўзи резиденти бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига, агарда унинг ҳолати 25-модданинг 1-бандига мос келса ўзи фуқароси бўлган Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органига ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ариза ушбу Битим қоидаларига зид равишда солиққа тортилишга олиб келадиган хатти-ҳаракат биринчи бор маълум бўлган кундан бошлаб уч йил ичида тақдим этилиши лозим.

2. Агар ваколатли орган унинг эътирозини асосли деб топса ва мустақил равишда қониқтирадиган қарорга кела олмаса, масалани Битимга мувофиқ келмайдиган солиққа тортишдан қочиш мақсадида бошқа Аҳдлашувчи Давлатнинг ваколатли органи билан ўзаро келишувга эришган ҳолда ҳал қилишга ҳаракат қилади. Эришилган барча келишувлар Аҳдлашувчи Давлатларнинг ички қонунчилигидаги ҳар хил вақтинчалик чекловларга қарамай амалга оширилиши лозим.

3. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Битимни қўллаш ёки талқин қилишда юзага келадиган ҳар қандай келишмовчиликларни ўзаро келишув асосида ҳал қиладилар. Шунингдек, улар икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик мақсадида мазкур Битимда назарда тутилмаган ҳолларда ҳам бир-бирлари билан маслаҳатлашишлари мумкин.

4. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари олдинги бандлар маъноларини тушунишда ҳамфикрликка эришиш мақсадида бир-бирлари билан, шу жумладан, уларнинг ўзлари ёки уларнинг вакиллари билан иборат қўшма комиссиялар орқали бевосита алоқага киришишлари мумкин.

27-модда
Маълумот алмашиш

1. Аҳдлашувчи Давлатларнинг ваколатли органлари мазкур Битимнинг қоидаларини ёки Аҳдлашувчи Давлатларнинг солиққа тортишга оид ички қонунчилигини амалга ошириш учун лозим бўлган мазкур қонунчилик бўйича солиққа тортиш Битимга зид бўлмайдиган даражада маълумот алмашадилар. Ахборот алмашинуви 1 ва 2-моддалар қоидалари билан чекланмайди.

2. Аҳдлашувчи Давлат томонидан олинган ҳар қандай маълумот мазкур Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ олинган маълумотнинг ўзида қандай махфийлик назарда тутилган бўлса худди шундай махфий ҳисобланади ва фақат мазкур Битим қўлланиладиган солиқларга дахлдор бўлган аниқлаш, йиғиш, мажбурий ундириш ёхуд суд таъқиби ёки апелляцияни кўриб чиқиш билан шуғулланадиган орган (шу жумладан суд ва маъмурий органлар) ҳамда шахсларга ошкор қилинади. Бундай орган ва шахслар мазкур маълумотдан фақат шундай мақсадларда фойдаланадилар. Улар мазкур маълумотни очик суд мажлисида ёки юридик қарор қабул қилишда ошкор қилишлари мумкин.

3. Ҳеч қандай ҳолатда мазкур модданинг 1-банди қоидалари Аҳдлашувчи Давлатга қуйидаги мажбуриятларни юкламайди:

а) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлатнинг қонунчилиги ёки одатдаги маъмурий амалиётига зид келувчи маъмурий тадбирлар ўтказиш;

б) у ёки бу Аҳдлашувчи Давлат қонунчилиги бўйича ёки одатдаги маъмурий амалиёт давомида олиб бўлмайдиган маълумотни тақдим этиш;

с) савдо, тадбиркорлик, саноат, тижорат, касб сирини ёки савдо жараёнини ёхуд ошкор этилиши давлат сиёсатига (жамоат тартибига) зид келиши мумкин бўлган маълумотни тақдим этиш.

4. Агар ахборот Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан ушбу моддага мувофиқ сўралган бўлса, бошқа Аҳдлашувчи Давлат бундай ахборот шу бошқа Давлатнинг солиқ мақсадлари учун керак бўлмаса ҳам сўралган ахборотни олиш учун ахборот тўплаш бўйича ўзида мавжуд бўлган тадбирларидан фойдаланиши лозим. Олдинги гапда назарда тутилган мажбурият 3-банддаги чекловларнинг объекти ҳисобланади, бироқ маълумотларнинг қийматидан ички манфаатдорликнинг йўқлиги ҳолларидан бошқа ҳеч қандай ҳолда бундай чекловлар Аҳдлашувчи Давлатга маълумот тақдим этишни рад этиш имконини бериш сифатида қаралмаслиги лозим.

5. 3-банднинг ҳеч бир қоидаси банк ёки бошқа молиявий муассасанинг ёхуд ишонч билдирувчи шахснинг ёки агентликда ёки ишончнома асосида фаолият юритувчи шахснинг маълумотларидан ҳамда инсоннинг мулкый манфаатларига дахлдор бўлган маълумотлардан иборат бўлганлиги сабабли Аҳдлашувчи Давлатга маълумот тақдим этишни рад этиш имконини бериш сифатида талқин қилинмаслиги лозим.

28-модда

Дипломатик агентлар ва консуллик хизматчилари

Ушбу Битимнинг ҳеч қандай қоидаси дипломатик агентлар ва консуллик хизматчиларининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари ёки махсус битимларнинг қоидаларига мувофиқ берилган солиқ имтиёзларига дахл қилмайди.

29-модда

Битимнинг кучга кириши

Аҳдлашувчи Давлатлардан ҳар бири ушбу Битимнинг кучга кириши учун ички қонунчиликларига мувофиқ талаб қилинадиган процедураларнинг тугаганлиги тўғрисида бир-бирларини дипломатик каналлар орқали хабардор қиладилар. Мазкур Битим қайд этилган сўнги хабарнома олинган кундан бошлаб кучга киради ва қўйидагиларга нисбатан амал қилади:

а) биринчи январдан ёки мазкур Битим кучга кирадиган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб даромад манбасидан олинадиган солиқларга нисбатан;

б) биринчи январдан ёки мазкур Битим кучга кирадиган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб ҳар бир солиқ йили учун олинадиган бошқа солиқларга нисбатан.

30-модда

Битимнинг амал қилишини тўхтатиш

1. Мазкур Битим Аҳдлашувчи Давлатлардан бири томонидан унинг амал қилиши тўхтатилгунга қадар амал қилади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат Битим кучга кирадиган йилдан беш йил ўтиб, ҳар қандай календарь йилининг туғашидан камида олти ой олдин дипломатик каналлар орқали Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома бериш йўли билан Битимнинг амал қилишини тўхтатиши мумкин.

Бундай ҳолда Битимнинг амал қилиши:

а) биринчи январдан ёки мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб даромад манбасидан олинадиган солиқларга нисбатан;

б) биринчи январдан ёки мазкур Битимнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида хабарнома берилган йилдан кейинги йилнинг биринчи январидан бошлаб ҳар бир солиқ йили учун ундириладиган бошқа солиқларга нисбатан.

Тегишли тартибда ваколат берилган қўйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, ушбу Битимни имзоладилар.

Любляна шаҳрида 2013 йилнинг 11 феврилида икки нусхада, ҳар бири ўзбек, словен ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда тушунмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения
Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа
тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини
тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида битимга
БАЁННОМА**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Словения Республикаси Ҳукумати ўртасида иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни олдини олиш тўғрисида Битимни имзолаш чоғида қуйида имзо чекувчилар мазкур қоидаларни Битимнинг таркибий қисми эканлиги тўғрисида ахдлашиб олдилар.

1. «Сиёсий бўлинма» атамаси Словенияга тааллуқли, «Маъмурий-худудий бўлинма» атамаси эса Ўзбекистонга тааллуқлидир.

2. Битим мақсадлари учун, 9-моддани истисно этган ҳолда, «капитал» атамаси Ўзбекистонга нисбатан қўлланилганда «мулк» маъносини билдиради.

Тегишли тартибда ваколат берилган қуйида имзо чекувчилар шунга гувоҳлик бериб, ушбу Баённомани имзоладилар.

Любляна шаҳрида 2013 йилнинг 11 феврилида икки асл нусхада, ҳар бири ўзбек, словен ва инглиз тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда тушунмовчиликлар юзага келганда, инглиз тилидаги матн асос қилиб олинади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия
Федерацияси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни
рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида
БИТИМ**

2013 йил 15 апрель, Москва

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2013 йил 12 июндаги ПҚ-1983-сон қарори**

(2014 йил 14 январдан кучга кирди)

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда Аҳдлашувчи Томонлар деб аталувчилар,

бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароитлар яратишни истаб,

мазкур Битим асосида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш сармоялар кириб келишига туртки бўлиши ҳамда ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг ривожланишига кўмак беришини англаган ҳолда,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**1-модда
Таърифлар**

Мазкур Битим мақсадлари учун кейинги ўринларда келтирилган тушунчалар қуйидаги маъноларни англатади:

а) «инвестор» — бир Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга ошираётган бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахси:

жисмоний шахс — Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ унинг фуқароси бўлган ҳар қандай жисмоний шахс;

юридик шахс — Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ёки таъсис этилган ҳар қандай юридик шахс.

б) «инвестициялар» — бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвестори тарафидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига мазкур давлат қонунчилигига мувофиқ киритилган мулкӣ қимматликларнинг барча турлари, хусусан:

кўчар ва кўчмас мулк;

акциялар, улушлар ва тижорат ташкилотлари капиталида иштирок этишнинг бошқа шакллари;

иқтисодий қимматликлар яратиш учун сарфланган пул маблағлари бўйи-

* Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 24-сон, 313-модда.

ча ёки иқтисодий қийматга эга бўлган ва инвестициялар билан боғлиқ шартномалар бўйича талаб қилиш ҳуқуқи;

интеллектуал мулк объектларига (муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, саноат намуналари, моделлар, товар белгилари ёки хизмат кўрсатиш белгилари, технологиялар, тижорат қийматига эга бўлган маълумотлар ва ноухау) нисбатан мутлақ ҳуқуқлар;

тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилиги асосида ёки ҳар бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг қонунчилигига мувофиқ тузилган шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқ, шу жумладан, табиий ресурсларни қидириш, қазиб олиш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқлар.

Инвестициялар шаклининг ҳар қандай ўзгариши, башарти бундай ўзгариш ўз ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига зид бўлмаса, уларни инвестициялар сифатида квалификация қилишга дахл қилмайди.

в) «даромадлар» — Аҳдлашувчи Томонлар давлати ҳудудида инвестициялардан олинган ҳар қандай маблағлар, шу жумладан фойда, фоизлар, дивидендлар, роялти, лицензия, воситачилик ва бошқа мукофотлар;

г) «Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудуди» — тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ёки Россия Федерацияси ҳудуди, Россия Федерациясига нисбатан қўлланилганда, шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1982 йил 10 декабрдаги Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясига мувофиқ белгиланадиган алоҳида иқтисодий зона ва континентал шельф;

д) «Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилиги» — тегишли равишда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ёки Россия Федерациясининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

2-модда

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвесторларига ўз давлати ҳудудида инвестицияларни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилади ҳамда ўз давлати қонунчилигига мувофиқ бундай инвестицияларнинг олиб кирилишига рухсат беради.

2. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларига тегишли инвестицияларнинг тўлиқ ҳимоясини ўз давлати қонунчилигига мувофиқ таъминлайди.

3-модда

Инвестициялар режими

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати ҳудудида бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларига нисбатан уларни бошқариш ва тасарруф этиш учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режимни таъминлайди.

2. Мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган режим ўз давлати инвесторларининг ёки ҳар қандай учинчи давлат инвесторларининг инвестицияларига тақдим қилинган, инвесторнинг фикрига кўра, энг қулай деб ҳисобланган режимдан кам бўлмаслиги лозим.

3. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларига, шу жумладан реинвестиция қилинган инвестицияларга нисбатан миллий режимдан истиснолар қилишни қўллаш ва жорий этиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

4. Мазкур модданинг 2-бандига мувофиқ тақдим этиладиган режим қуйидаги ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлар тақдим этаётган ёки келажакда тақдим этадиган афзалликларга нисбатан татбиқ этилмайди:

эркин савдо зонасида, божхона иттифоқида ёки ҳар қандай шунга ўхшаш иқтисодий интеграцион тузилмаларда иштирок этиш муносабати билан;

иккиёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимлар ёки солиққа тортиш масалалари бўйича бошқа келишувлар асосида.

5. Мазкур Битимнинг 4- , 5- ва 8-моддалари қоидаларига дахл қилмаган ҳолда, Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг инвестицияларига ва уларнинг ушбу инвестициялар билан боғлиқ фаолиятига 1994 йил 15 апрелдаги Жаҳон савдо ташкилотини таъсис этиш тўғрисида Марракеш Битимининг 1В-иловасига мувофиқ берадиган режимга нисбатан қулайроқ режим тақдим этмайди.

4-модда **Экспроприация**

1. Ўз оқибатлари бўйича экспроприация ёки национализацияга тенг бўлган, бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторларининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида амалга оширган инвестицияларига нисбатан мажбурий олиб қўйиш чораларини (кейинги ўринларда — экспроприация) қўллаш мумкин эмас, бундай чораларни жамият манфаатларидан келиб чиқиб, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигида белгиланган тартибга риоя этган ҳолда, камситиш хусусиятидан холи равишда, тез, етказилган зарарга монанд ва самарали товон тўлашни назарда тутган ҳолда амалга ошириш ҳолатлари бундан мустасно.

2. Товон инвестицияларнинг ҳақиқатдан экспроприация қилингани ёки келгусида экспроприация қилиниши ҳақида расман маълум бўлган санада ҳисобланган мазкур инвестицияларнинг бозор қийматига мос бўлиши лозим. Товон кечиктирмасдан эркин муомаладаги валютада тўланади ва мазкур Битимнинг 6-моддасига мувофиқ бир Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудига ўтказилади. Товон суммасига бозор асосида белгиланадиган тижорат ставкасида, аммо олти ойлик доллар кредитлари бўйича Лондон банклараро таклиф ставкасидан (ЛИБОР) кам бўлмаган ставкада, экспроприация қилинган санадан бошлаб тўланган санага қадар фоизлар ҳисобланиб, қўшилиб боради.

5-модда **Зарарни қоплаш**

Бир Аҳдлашувчи Томон давлатининг бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги уруш, фуқаролик тартибсизликлари ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар оқибатида инвестицияларига зарар етказилган инвесторларига реституция, зарарни қоплаш, товон тўлаш ёки тартибга солишнинг бошқа турларига нисбатан, мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томоннинг учинчи давлат инвесторларига ёки ўз давлати инвесторларига бундай зарар муносабати билан чоралар кўришда қўллайдиган режимлар ичидаги энг қулай бўлган режим тақдим этилади.

6-модда **Тўловларни ўтказиш**

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати қонунчилигида белгиланган барча солиқ ва шунга ўхшаш мажбуриятлар бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторлари тарафидан бажарилгандан сўнг, ўз давлати ҳудудидан инвестициялар билан боғлиқ тўловларнинг, хусусан қўйидагиларнинг ҳеч қандай чекловларсиз ўтказилишини кафолатлайди:

а) бошланғич капитал ёки инвестицияларни таъминлаб туриш ёхуд кенгайтириш учун фойдаланиладиган ҳар қандай қўшимча маблағлар;

б) даромадлар;

в) мазкур Битимнинг 4- ва 5-моддаларида назарда тутилган товон тўловлари;

г) инвестицияларнинг қисман ёки тўла тугатилишдан ёхуд сотилишидан тушган маблағлар;

д) иккала Аҳдлашувчи Томонлар тарафидан инвестициялар сифатида тан олинган кредитлар ва қарзларни қайтариш ҳисобига тўланадиган маблағлар, шунингдек ҳисобланган фоизлар;

е) бир Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан меҳнат қилишга рухсат этилган бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторлари ва жисмоний шахслари оладиган иш ҳақи ва бошқа мукофотлар;

ж) мазкур Битимнинг 8-моддасига мувофиқ низоларни ҳал этиш оқибатида вужудга келадиган тўловлар.

2. Тўловларни ўтказиш кечиктирилмасдан, ўз ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг валютага оид қонунчилигига мувофиқ, эркин муомаладаги валютада ўтказма санасида қўлланиладиган курс бўйича амалга оширилади.

7-модда **Суброгация**

Аҳдлашувчи Томон ёки у ваколат берган орган инвесторга бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида инвестициялар билан боғлиқ нотижорат хавфлардан ҳимоя қилиш кафолати асосида тўловни амалга оширгандан сўнг,

инвесторга тегишли ҳуқуқларни мазкур инвестор билан бир хил ҳажмда, суброгация тартибида амалга ошириши мумкин. Бундай ҳуқуқлар мазкур бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

8-модда

Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвестори ўртасидаги низоларни ҳал этиш

1. Бир Аҳдлашувчи Томон билан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлатининг инвестори ўртасида ушбу инвесторнинг биринчи Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудидаги инвестициялари юзасидан вужудга келадиган низолар, шу жумладан мазкур Битимнинг 4- ва 5-моддаларига мувофиқ товон миқдори, товон тўлаш шартлари ёки тартибига ёхуд мазкур Битимнинг 6-моддасида назарда тутилган тўловларни ўтказиш тартибига оид низолар имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

2. Башарти низо томонларидан исталган бирининг низони музокаралар йўли билан ҳал этиш тўғрисидаги илтимоси санасидан бошлаб олти ой давомида музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаса, низо инвесторнинг танлови бўйича ўз ҳудудида инвестициялар амалга оширилган Аҳдлашувчи Томон давлатининг ваколатли суди ёки арбитражга ёхуд Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссиясининг Арбитраж регламентига (ЮНСИТРАЛ) мувофиқ «ad hoc» арбитраж судига ёки 1965 йил 18 мартда Вашингтон шаҳрида имзоланган Давлатлар билан бошқа давлатларнинг жисмоний ёки юридик шахслари ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал қилиш бўйича Конвенцияга мувофиқ таъсис этилган Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказга низони ушбу Конвенция қоидаларига мувофиқ (Конвенция иккала Аҳдлашувчи Томон давлатлари учун кучга кирган бўлса) ёки Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш бўйича халқаро марказнинг Қўшимча қоидаларига мувофиқ (агар Конвенция Аҳдлашувчи Томонлар давлатларининг бири ёки ҳар иккаласи учун кучга кирмаган бўлса) кўриб чиқиш учун топширилиши мумкин.

3. Арбитраж қарори яқуний ва низодаги ҳар иккала томон учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўз давлати қонунчилигига мувофиқ бундай қарорнинг бажарилишини таъминлашга мажбур.

9-модда

Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш

1. Аҳдлашувчи Томонлар ўртасидаги мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашга доир низолар улар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади.

Башарти музокаралар бошлангандан эътиборан олти ой давомида низо бундай йўл билан ҳал этилмаса, у ҳолда низо ҳар қандай Аҳдлашувчи Томоннинг талаби бўйича «ad hoc» ҳакамлик судига кўриб чиқиш учун топширилади.

2. Ҳакамлик суди ҳар бир алоҳида ҳолат учун тузилади, бунинг учун

ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ҳакамлик судида иш кўриш тўғрисида хабарнома олинган санадан бошлаб икки ой давомида биттадан ҳакамлик суди аъзосини тайинлайди. Сўнгра суднинг ушбу икки аъзоси учинчи давлат фуқаросини танлайди ва у бошқа икки аъзоларнинг охиргиси тайинланган санадан бошлаб бир ой ичида ҳар икки Аҳдлашувчи Томоннинг маъқуллаши билан ҳакамлик судининг раиси этиб тайинланади.

3. Башарти мазкур модданинг 2-бандида кўрсатилган муддатда зарурий тайинлашлар амалга оширилмаган бўлса, бошқа келишувлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир Аҳдлашувчи Томон Халқаро суд раисига бундай тайинлашларни амалга ошириш бўйича илтимос билан мурожаат қилиши мумкин. Агар Халқаро суд раиси Аҳдлашувчи Томонлардан бири давлатининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабабларга кўра ушбу илтимосни бажара олмаса, Халқаро суд раисининг ўринбосарига зарурий тайинлашларни амалга ошириш таклиф этилади. Агар Халқаро суд раисининг ўринбосари ҳам Аҳдлашувчи Томонлардан бири давлатининг фуқароси бўлса ёки бошқа сабаблар бўйича ушбу илтимосни бажара олмаса, Халқаро суднинг мартабаси бўйича ундан кейин турувчи, бирор Аҳдлашувчи Томон давлатининг фуқароси бўлмаган аъзосига зарурий тайинлашларни амалга ошириш таклиф этилади.

4. Ҳакамлик судининг қарори кўпчилик овоз билан чиқарилади. Бундай қарор Аҳдлашувчи Томонлар учун яқуний ва мажбурий ҳисобланади. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон ўзи тайинлаган суд аъзосининг фаолияти ҳамда ҳакамлик судидаги ўз вакиллиги билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Аҳдлашувчи Томонлар ҳакамлик суди раисининг фаолияти билан боғлиқ харажатларни, шунингдек бошқа харажатларни тенг улушларда қоплайдилар. Аммо ҳакамлик суди ўз қарорида Аҳдлашувчи Томонлардан бири харажатларнинг кўпроқ қисмини қоплашини назарда тутиши мумкин ва бундай қарор ҳар икки Аҳдлашувчи Томон учун мажбурий ҳисобланади. Ҳакамлик суди ўз иш тартибини мустақил белгилайди.

10-модда **Маслаҳатлашувлар**

Аҳдлашувчи Томонлар улардан бирининг илтимосига кўра, мазкур Битимни талқин қилиш ва қўллашга доир масалалар бўйича маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

11-модда **Битимнинг қўлланилиши**

Мазкур Битим бир Аҳдлашувчи Томон давлати инвесторлари тарафидан бошқа Аҳдлашувчи Томон давлати ҳудудида 1992 йил 1 январдан бошлаб амалга оширилган барча инвестицияларга нисбатан қўлланилади, аммо мазкур Битим кучга киргунга қадар вужудга келган фактлар ва ҳаракатлар бўйича низоларга нисбатан қўлланилмайди.

12-модда

Битимнинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

1. Ҳар бир Аҳдлашувчи Томон мазкур Битимнинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганлиги тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилади. Мазкур Битим икки хабарноманинг охиригиси олинган санадан кучга киради.

2. Мазкур Битим ўн беш йил давомида ўз кучида бўлади. Ушбу муддат тугагандан сўнг, башарти ҳеч бир Аҳдлашувчи Томон тегишли муддат тугашидан камида ўн икки ой олдин ўзининг мазкур Битимнинг амал қилиши-ни тугатиш нияти тўғрисида бошқа Аҳдлашувчи Томонни ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг амал қилиши навбатдаги беш йиллик даврларга ўз-ўзидан узаяверади.

3. Аҳдлашувчи Томонларнинг ўзаро ёзма келишувига кўра мазкур Битимга ўзгартишлар киритилиши мумкин. Ҳар қандай ўзгартишлар ҳар бир Аҳдлашувчи Томон бошқа Аҳдлашувчи Томонни бундай ўзгартишларнинг кучга кириши учун зарур бўлган барча давлат ички процедуралари бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилгандан сўнг кучга киради.

4. Мазкур Битимнинг амал қилиш муддати тугатилган санага қадар амалга оширилган ва унинг таъсир доирасида бўлган инвестицияларга нисбатан мазкур Битимнинг барча бошқа моддалари қоидалари унинг амал қилиш муддати тугатилган санадан бошлаб кейинги ўн беш йил мобайнида ўз кучида қолади.

Москва шаҳрида 2013 йил 15 апрелда ҳар бири ўзбек ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Мазкур Битим қоидаларини талқин қилишда тафовутлар юзага келганда рус тилидаги матндан фойдаланилади.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Российской Федерации о поощрении и
взаимной защите инвестиций

Москва, 15 апреля 2013 года

Постановление Президента Республики Узбекистан
*от 12 июня 2013 года № ПП-1983**

(Вступило в силу 14 января 2014 года)

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, именуемые в дальнейшем Договаривающимися Сторонами, желая создавать благоприятные условия для осуществления инвестиций инвесторов государства одной Договаривающейся Стороны на территории государства другой Договаривающейся Стороны, признавая, что поощрение и взаимная защита инвестиций на основе настоящего Соглашения будут стимулировать приток капитала и способствовать развитию взаимовыгодного торгово-экономического и научно-технического сотрудничества,

согласились о нижеследующем:

Статья 1
Определения

Для целей настоящего Соглашения следующие понятия означают:

а) «инвестор» — любое физическое или юридическое лицо государства одной из Договаривающихся Сторон, осуществляющее инвестиции на территории государства другой Договаривающейся Стороны:

физическое лицо — любое физическое лицо, являющееся гражданином государства Договаривающейся Стороны в соответствии с законодательством своего государства;

юридическое лицо — любое юридическое лицо, созданное или учрежденное в соответствии с законодательством государства Договаривающейся Стороны;

б) «инвестиции» — все виды имущественных ценностей, которые вкладываются инвестором государства одной Договаривающейся Стороны на территории государства другой Договаривающейся Стороны в соответствии с законодательством государства последней Договаривающейся Стороны, на территории государства которой осуществляются инвестиции, и в частности:

движимое и недвижимое имущество;

акции, вклады и другие формы участия в капитале коммерческих организаций;

* Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 24, ст. 313.

право требования по денежным средствам, вложенным для создания экономических ценностей, или по договорам, имеющим экономическую ценность и связанным с инвестициями;

исключительные права на объекты интеллектуальной собственности (авторские права, патенты, промышленные образцы, модели, товарные знаки или знаки обслуживания, технологию, информацию, имеющую коммерческую ценность, и ноу-хау);

права на осуществление предпринимательской деятельности, предоставляемые на основе законодательства каждого из государств Договаривающихся Сторон или договоров, заключенных в соответствии с законодательством каждого из государств Договаривающихся Сторон, включая, в частности, связанные с разведкой, разработкой, добычей и эксплуатацией природных ресурсов.

Никакое изменение формы инвестиций не влияет на их квалификацию в качестве инвестиций, если такое изменение не противоречит законодательству государства Договаривающейся Стороны, на территории которого инвестиции осуществлены;

в) «доходы» — любые средства, полученные от инвестиций на территории государства Договаривающейся Стороны, включая прибыль, проценты, дивиденды, роялти, лицензионные, комиссионные и другие вознаграждения;

г) «территория государства Договаривающейся Стороны» — территория Республики Узбекистан или территория Российской Федерации соответственно, а применительно к Российской Федерации также исключительная экономическая зона и континентальный шельф, определяемые в соответствии с Конвенцией Организации Объединенных Наций по морскому праву от 10 декабря 1982 года;

д) «законодательство государства Договаривающейся Стороны» — законы и иные нормативные правовые акты Республики Узбекистан или законы и иные нормативные правовые акты Российской Федерации соответственно.

Статья 2

Поощрение и защита инвестиций

1. Каждая Договаривающаяся Сторона стремится создавать благоприятные условия инвесторам государства другой Договаривающейся Стороны для осуществления инвестиций на территории своего государства и допускает такие инвестиции в соответствии с законодательством своего государства.

2. Каждая Договаривающаяся Сторона обеспечивает в соответствии с законодательством своего государства полную защиту на территории своего государства инвестиций инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны.

Статья 3 **Режим инвестиций**

1. Каждая Договаривающаяся Сторона обеспечивает на территории своего государства справедливый и равноправный режим инвестициям инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны в отношении управления и распоряжения ими.

2. Режим, указанный в пункте 1 настоящей статьи, должен быть не менее благоприятным, чем режим, который предоставляется инвестициям собственных инвесторов или инвесторов любого третьего государства, в зависимости от того, какой из этих режимов, по мнению инвестора, является более благоприятным.

3. Каждая Договаривающаяся Сторона сохраняет за собой право применять и вводить изъятия из национального режима в отношении иностранных инвесторов и их инвестиций, в том числе реинвестированных инвестиций.

4. Режим, предоставляемый в соответствии с пунктом 2 настоящей статьи, не распространяется на преимущества, которые Договаривающаяся Сторона предоставляет или предоставит в будущем:

в связи с участием в зоне свободной торговли, таможенном союзе или любом аналогичном экономическом интеграционном образовании;

на основе соглашений об избежании двойного налогообложения или других договоренностей по вопросам налогообложения.

5. Без ущерба для положений статей 4, 5 и 8 настоящего Соглашения Договаривающаяся Сторона предоставляет в отношении инвестиций инвесторов государства другой Договаривающейся Стороны и их деятельности в связи с такими инвестициями режим не более благоприятный, чем режим, который Договаривающаяся Сторона предоставляет в соответствии с Приложением 1В к Марракешскому Соглашению об учреждении Всемирной торговой организации от 15 апреля 1994 года.

Статья 4 **Экспроприация**

1. Инвестиции инвесторов государства одной Договаривающейся Стороны, осуществленные на территории государства другой Договаривающейся Стороны, не могут быть подвергнуты мерам принудительного изъятия, равносильным по последствиям экспроприации или национализации (далее — экспроприация), за исключением случаев, когда эти меры осуществляются в общественных интересах при соблюдении порядка, установленного в соответствии с законодательством государства этой другой Договаривающейся Стороны, не носят дискриминационного характера и влекут за собой выплату быстрой, адекватной и эффективной компенсации.

2. Компенсация должна соответствовать рыночной стоимости экспроприруемых инвестиций, рассчитанной на дату, когда официально стало известно о фактическом осуществлении либо о предстоящей экспроприации.

Компенсация выплачивается без задержки в свободно конвертируемой валюте и переводится с территории государства одной Договаривающейся Стороны на территорию государства другой Договаривающейся Стороны в соответствии со статьей 6 настоящего Соглашения. С даты экспроприации до даты выплаты компенсации на сумму компенсации будут начисляться проценты по коммерческой ставке, устанавливаемой на рыночной основе, но не ниже Лондонской межбанковской ставки предложения (ЛИБОР) по шестимесячным долларовым кредитам.

Статья 5 **Возмещение ущерба**

Инвесторам государства одной Договаривающейся Стороны, инвестициям которых нанесен ущерб на территории государства другой Договаривающейся Стороны в результате войны, гражданских беспорядков или иных подобных обстоятельств, предоставляется в отношении реституции, возмещения, компенсации или других видов урегулирования режим, наиболее благоприятный из тех, которые последняя Договаривающаяся Сторона предоставляет инвесторам третьего государства или инвесторам своего государства в отношении мер, которые принимаются ею в связи с таким ущербом.

Статья 6 **Перевод платежей**

1. Каждая Договаривающаяся Сторона гарантирует инвесторам государства другой Договаривающейся Стороны перевод платежей, связанных с инвестициями, с территории государства первой Договаривающейся Стороны без каких-либо ограничений после выполнения ими всех налоговых и иных подобных обязательств, предусмотренных законодательством государства первой Договаривающейся Стороны, и в частности:

- а) первоначального капитала или любых дополнительных средств, используемых для поддержания или расширения инвестиций;
- б) доходов;
- в) компенсации, предусмотренной статьями 4 и 5 настоящего Соглашения;
- г) средств, полученных в связи с частичной или полной ликвидацией либо продажей инвестиций;
- д) средств, выплачиваемых в погашение займов и кредитов, признанных обеими Договаривающимися Сторонами в качестве инвестиций, а также начисленных процентов;
- е) заработной платы и других вознаграждений, получаемых инвестором и физическими лицами государства другой Договаривающейся Стороны, которым разрешено работать в связи с осуществлением инвестиций на территории государства первой Договаривающейся Стороны;

ж) платежей, возникающих в результате урегулирования споров в соответствии со статьей 8 настоящего Соглашения.

2. Переводы платежей осуществляются без задержки в свободно конвертируемой валюте по курсу, применяемому на дату перевода, в соответствии с валютным законодательством государства той Договаривающейся Стороны, на территории которого инвестиции осуществлены.

Статья 7 Суброгация

Договаривающаяся Сторона или уполномоченный ею орган, которые произвели платеж инвестору на основе гарантии защиты от некоммерческих рисков в связи с его инвестициями на территории государства другой Договаривающейся Стороны, смогут осуществлять в порядке суброгации права инвестора в том же объеме, что и сам инвестор. Такие права осуществляются в соответствии с законодательством государства последней Договаривающейся Стороны.

Статья 8 Разрешение споров между Договаривающейся Стороной и инвестором государства другой Договаривающейся Стороны

1. Споры между одной Договаривающейся Стороной и инвестором государства другой Договаривающейся Стороны, возникающие в связи с инвестициями данного инвестора на территории государства первой Договаривающейся Стороны, включая споры, касающиеся размера, условий или порядка выплаты компенсации в соответствии со статьями 4 и 5 настоящего Соглашения либо порядка перевода платежей, предусмотренного статьей 6 настоящего Соглашения, разрешаются по возможности путем переговоров.

2. Если спор не может быть разрешен путем переговоров в течение шести месяцев с даты просьбы любой из сторон спора о его разрешении путем переговоров, то он по выбору инвестора может быть передан на рассмотрение в компетентный суд или арбитраж государства той Договаривающейся Стороны, на территории государства которой осуществлены инвестиции, либо в арбитражный суд «ad hoc» в соответствии с Арбитражным регламентом Комиссии Организации Объединенных Наций по праву международной торговли (ЮНСИТРАЛ), либо в Международный центр по урегулированию инвестиционных споров, созданный в соответствии с Конвенцией об урегулировании инвестиционных споров между государствами и физическими или юридическими лицами других государств, подписанной в г. Вашингтоне 18 марта 1965 г., для разрешения спора в соответствии с положениями этой Конвенции (при условии, что она вступила в силу для обеих Договаривающихся Сторон) или в соответствии с Дополнительными правилами Международного центра по урегулированию инвестиционных

споров (в случае, если Конвенция не вступила в силу для одного из государств Договаривающихся Сторон или обоих из них).

3. Арбитражное решение является окончательным и обязательным для обеих сторон в споре. Каждая Договаривающаяся Сторона обязуется обеспечивать выполнение такого решения в соответствии с законодательством своего государства.

Статья 9 **Разрешение споров между Договаривающимися** **Сторонами**

1. Споры между Договаривающимися Сторонами относительно толкования и применения настоящего Соглашения разрешаются путем переговоров между ними.

Если таким способом спор не урегулирован в течение шести месяцев с начала переговоров, то по требованию любой Договаривающейся Стороны он передается на рассмотрение третейского суда «ad hoc».

2. Третейский суд создается для каждого отдельного случая, для чего каждая Договаривающаяся Сторона назначает по одному члену третейского суда в течение двух месяцев с даты получения уведомления о третейском разбирательстве. Затем эти два члена суда избирают гражданина третьего государства, который с одобрения обеих Договаривающихся Сторон назначается председателем третейского суда в течение месяца с даты назначения последнего из двух других членов третейского суда.

3. Если в сроки, указанные в пункте 2 настоящей статьи, необходимые назначения не произведены, то при отсутствии иной договоренности любая Договаривающаяся Сторона может обратиться к председателю Международного Суда с просьбой произвести такие назначения. Если председатель Международного Суда является гражданином государства одной из Договаривающихся Сторон или по другим причинам не может выполнить указанную просьбу, то произвести необходимые назначения предлагается заместителю председателя Международного Суда. Если заместитель председателя Международного Суда также является гражданином государства одной из Договаривающихся Сторон или по другим причинам не может выполнить указанную просьбу, то произвести необходимые назначения предлагается следующему за ним по старшинству члену Международного Суда, который не является гражданином государства ни одной из Договаривающихся Сторон.

4. Третейский суд выносит свое решение большинством голосов. Такое решение является окончательным и обязательным для Договаривающихся Сторон. Каждая Договаривающаяся Сторона несет расходы, связанные с деятельностью назначенного ею члена суда и со своим представительством в третейском разбирательстве. Расходы, связанные с деятельностью председателя третейского суда, а также прочие расходы Договаривающиеся Стороны несут в равных долях. Третейский суд, однако, может предусмотр-

реть в своем решении, что одна из Договаривающихся Сторон будет нести большую долю расходов, и такое решение будет обязательным для обеих Договаривающихся Сторон. Третейский суд определяет порядок своей работы самостоятельно.

Статья 10 **Консультации**

Договаривающиеся Стороны по просьбе любой из них проводят консультации по вопросам, касающимся толкования или применения настоящего Соглашения.

Статья 11 **Применение Соглашения**

Настоящее Соглашение применяется ко всем инвестициям, осуществленным инвесторами государства одной Договаривающейся Стороны на территории государства другой Договаривающейся Стороны, начиная с 1 января 1992 г., но не применяется к спорам в отношении фактов и действий, возникших до вступления в силу настоящего Соглашения.

Статья 12 **Вступление в силу и срок действия Соглашения**

1. Каждая Договаривающаяся Сторона письменно уведомляет другую Договаривающуюся Сторону о выполнении внутригосударственных процедур, необходимых для вступления в силу настоящего Соглашения. Настоящее Соглашение вступает в силу с даты получения последнего из двух уведомлений.

2. Настоящее Соглашение остается в силе в течение пятнадцати лет. После окончания этого срока его действие автоматически продлевается на очередные пятилетние периоды, если ни одна из Договаривающихся Сторон письменно не уведомит другую Договаривающуюся Сторону по крайней мере за двенадцать месяцев до истечения соответствующего срока о своем намерении прекратить действие настоящего Соглашения.

3. В настоящее Соглашение могут быть внесены изменения по взаимному письменному согласию Договаривающихся Сторон. Любые изменения вступают в силу после того, как каждая Договаривающаяся Сторона письменно уведомит другую Договаривающуюся Сторону о выполнении всех внутригосударственных процедур, необходимых для вступления таких изменений в силу.

4. В отношении инвестиций, осуществленных до даты прекращения действия настоящего Соглашения и подпадающих под его действие, положения всех других статей настоящего Соглашения остаются в силе в течение последующих пятнадцати лет после даты прекращения его действия.

Совершено в г. Москве 15 апреля 2013 года в двух подлинных экземплярах.

лярах, каждый на узбекском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу. В случае возникновения расхождений в толковании положений настоящего Соглашения будет использоваться текст на русском языке.

(подписи)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ**

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами / Сборник международных договоров Республики Узбекистан. 1 (41)-сон, 2014. — 40 б.

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2014 й.

Тахрир кенгаши:

*Н.Т. Йўлдошев, Д.Э. Хакимов, М.М. Икрамов,
Н.С. Жўраев, М. Азимов, Д.С. Саъдуллаев*

Тахририят манзили:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 100047,
Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 5.
Тел.: 233-73-28, 236-73-98.

Нашрга тайёрлаганлар:

*Ф.Ш. Тожиев, Ж.Ф. Сирожев,
Х.А. Хусанова, Л.М. Азимова*

**Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Ш. Қурбонбоев
Мусаҳҳихлар: Д.Д. Дўстжонова, С.В. Артикова**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти.
100077, Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-уй.
Обуна масалалари бўйича тел./ф.: +99871 268-28-45, +99890 936-73-93.

Босишга рухсат этилди 19.06.2014. Бичими 70x108^{1/16}.
Ҳажми 2,5 б.т. Адади 1810 нусха, буюртма — 211.

Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди,
100128, Тошкент ш., Шайхонтоҳур кўчаси, 86-уй.